# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

#### ЮСУПОВА МУХАББАТ АНАТОЛЬЕВНА

# БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ЛОЙИХА ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШГА ЎРГАТИШ ТИЗИМИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

## Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

## Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам

## Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on pedagogical sciences

Юсупова Мухаббат Анатольевна	
Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ўкув жараёнида лойиха	
технологиясидан фойдаланишга ўргатиш тизими	5
Юсупова Мухаббат Анатольевна	
Система обучения будущих учителей английского языка к	
использованию проектной технологии в учебном	2.4
процессе	24
Юсупова Мухаббат Анатольевна	
The system of training future English teachers to use project technology in	
the educational process	44
Эълон қилинган ишлар рўйхати	
Список опубликованных работ	
List of publications	46

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Ped.82.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

#### ЮСУПОВА МУХАББАТ АНАТОЛЬЕВНА

# БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ЛОЙИХА ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШГА ЎРГАТИШ ТИЗИМИ

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped817 ракам билан рүйхатга олинган.

Диссертация Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти веб - сахифасининг www.cspi.uz хамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.zivonet.uz жойлаштирилган.

Илмий рахбар:

Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна

педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Садуллаева Нилуфар Азимовна

филология фанлари доктори, доцент

Мухитдинова Мунира Равшановна

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат университети

Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти хузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Ped.82.01 ракамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23 » Шилев куни соат 44 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111700, Ўзбекистон, Тошкент вилояти, Чирчик шахри, Амир Темур кучаси 104 уй. Тел: +99870 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41; e-mail: chdpi-kengash@umail.uz.

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( Дв раками билан рўйхатга олинган.) Манзил: 111700, Ўзбекистон, Тошкент вилояти, Чирчик шахри, Амир Темур кўчаси 104 уй. Тел: +99870 712-27-55; факс: (99870) 712-45-41.

Диссертация автореферати 2021 йил « 6 » чесев да таркатилди. (2021 йил « 6 » шоль даги 24 ракамли реестр баённомаси.)

Ш.К. Мардонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори,

профессор

Д.М. Махмудова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, педагогика фанлари бўйича

фалсафа доктори (PhD)

D 9

Р.А. Эшчанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш кошидаги Илмий семинар раиси, б.ф.д., проф.

#### КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жахон таълим муассасаларида бўлажак ўкитувчиларни халкаро хамкорлик ва тайёрлаш жараёнини ривожлантириш имкониятларини кенгайтиришнинг лойиха технологиялари амалиётга тадбик этилмокда. Бу борада умумевропа халкаро стандартларига асосан бўлажак чет тиллари мутахассисларини тайёрлашда CEFR, IELTS, TOEFL<sup>1</sup> малака талаблари таълим сифатини халкаро даражага кутариш, замонавий асосида олий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, педагогик ўкитишнинг илғор услубларини жорий бўлажак инглиз этиш, ўкитувчиларини ўкув жараёнида лойиха технологиясидан фойдаланишга ўргатиш бўйича йирик лойихаларни амалга оширишга қаратилган тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Жахон таълим муассасаларида ўкитишнинг натижавийлигига (functional education, competence-based approach, competence) моделларни технологик тараққиёт ғоялари билан уйғунлаштириш, верификациялаш, замонавий талаблар ва янги стратегияларга мослаштириш, ракобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлаш мазмуни ва илмий-методик базасини мустахкамлаш бўйича илмий тадкикотлар олиб борилмокда. Япониянинг (NER), Таълим сохасидаги миллий тадқиқотлар институти Буюк Британиянинг илмий изланишлар Консорциуми (EGER), АҚШнинг педагогик ўтказиш тестларини Хизмати (ETS) томонидан тадкикотлар оширилаётган тадқиқотларда тилларни ўкитишда лойиха технологиясига асосланган инновацион методларни таълим жараёнига жорий этиш долзарб хисобланмокда.

Республикамизда сўнгги йилларда узлуксиз таълимнинг ҳар бир бўғинида чет тилларни мукаммал ўргатиш, тизимлараро мазмунан узвийликка устуворлик берган ҳолда нутқий муҳит шарт-шароитларини инновацион ёндашувлар ва воситалар орқали такомиллаштиришнинг ҳуқуқий меъёрий асослар яратилган. Хорижий тилларни ўрганиш учун зарур шароитлар яратиш, ҳорижий тилларни ўқитишнинг ҳалқаро тан олинган дастур ва дарсликлари таълимнинг барча босқичларида жорий этилишини мувофиклаштириш ҳамда ўқитувчиларда замонавий ўқитиш кўникмаларини ривожлантириш вазифалари белгиланган². Узлуксиз таълимнинг ҳар бир бўғинида ҳорижий тилни ўргатишнинг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлашга кенг имкониятлар

<sup>&</sup>lt;sup>1</sup> Common European Framework of Reference for Languages, International English Language Testing System, Test of English as a Foreign Language

<sup>&</sup>lt;sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-5117-сон қарори, 2021 йил 19 май.

яратилган. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларида фаолият мотивлари асосида касбий компетентликни ривожлантириш, ўкув жараёнида замонавий таълим ва ахборот технологияларидан фойдаланишга ўргатиш тизимини такомиллаштиришга оид илмий-методик тадқиқотларга устуворлик берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўгрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли «Ўзбекистон Республикаси 2030 олий таълим тизимини йилгача ривожлантириш концепсиясини тасдиклаш тўгрисида» ги фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўгрисида»ги, 2021 йил 19 майдаги ПК-5117-сонли "Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жихатидан янги боскичга олиб чикиш чоратадбирлари тўгрисида" ги қарорлари хамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хукукий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг І. « Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, хукукий, иктисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари » устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўкув жараёнини лойихалаш технологияларини такомиллаштириш Р.Х. Джураев, Н.Н.Азизходжаева, Ш.А. Усмонбоева, Н.Саидахмедов, Ж.Ғ.Йўлдашев, Абдуллаева, О.Розиков, M.X. С.А. Усмоновлар; хорижий тилларни ўқитиш методикаси, воситалари, тамойиллари, концепцияси, лингвометодик асослари Л.Т.Ахмедова. Ж.Б.Бўронов, А.М.Бушуй, Ж.Ж.Жалолов, Ф.М.Рашидова, И.М.Тухтасинов, К.Ш. Мурадкасимова, Ф.Х.Ибрагимова, К.Д.Рискулова, Г.Т.Махкамовалар томонидан тадбик этилган<sup>3</sup>.

³Джўраев Р.Х. Таълимда интерфаол технологиялар. — Тошкент, 2010.-87 б; Толипов Ў, Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбикий асослари. — Т: Молия, 2006; Бушуй М. Язык и действительность. — Т.: Фан, 2005. —144 с.; Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўкитиш методикаси. — Т.: 2012. — 427 б.; Рашидова Ф.М. Совершенствование концептуально— Методических основ внедрения в систему непрерывного образования Узбекистана (на примере английского языка). Дисс. док. пед. наук. — Т.: 2017. — 309 с..; Тухтасинов И.М. Таржимон тайёрлашда касбий компетенцияларни эквивалентлик ходисаси асосида ривожлантириш: П.ф.д. дисс. автореф. —Т.: 2018. — 66 б.; Мурадкасимова К.Ш. Инглиз тилини ўкитишда талабалар кўникма ва малакаларини бахолаш хусусиятлари: Пед. фан. бўй. фал. д-ри (PhD) дисс. автореф. —Т.: 2019. — 45 б.; Рискулова К.Д Бўлажак инглиз тили ўкитувчилари социолингвистик компетентлигини шакллантириш тизими: Пед.фан.бўй.док.(DSc) дисс. авторефер. —Т.: 2017. — 62 б.

И.Л.Бим, Н.Н.Болдирев, Н.Д.Гальскова, Е.Н.Зарецкая, Е.М.Верещагин, В.Г.Костомаров, В.В.Ощепкова, В.В.Сафонова, Н.С.Найдёнова, М.А.Палагутина, Н.С.Балясникова, Е.Н.Пикеева, Р.П.Мильрудлар бўлажак хориж тили ўқитувчиларининг касбий компетенциясини такомиллаштириш устида илмий изланиш олиб борганлар<sup>4</sup>.

Хорижлик олимлар Max Walter, Michael West, Henry Sweet, Maximilian Berlitz, Harold Palmer, John Dewey, Ferdinand de Saussure, Dell Hymes, William Heard Kilpatrickлар томонидан инновацион таълим масалалари тадкик этилган<sup>5</sup>.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган таълим муассасаси илмийтадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг 2017-2020 ўқув йиллари давомида таълим сифатини таъминлаш борасида амалга ошириладиган харакатлар режаси ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш хамда илмий салохиятни ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси" хамда илмий тадқиқот ишлари режасининг 01-729-рақамли "Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асосларини яратиш ва уни амалиётга жорий этиш механизмларини ишлаб чиқиш" (2017-2020 йй.) мавзусидаги илмий-амалий лойихаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ўқув жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатиш методик тизимини такомиллаштиришдан иборат.

#### Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак инглиз тили ўкитувчиларини ўкув жараёнида лойиха технологиясидан фойдаланишга ўргатишнинг психологик-педагогик имкониятларини тахлил этиш;

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатиш усулларини такомиллаштириш;

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини лойиха технологияси асосида касбий фаолиятга тайёрлаш моделини такомиллаштириш;

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ўқув жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатишга оид методик тавсиялар ишлаб чикиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ўкув жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатиш тизимини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика

<sup>5</sup>Найдёнова Н.С. "Основы преподавания иностранных языков по методу М.Берлица" Вестник РУДН, 2007 №2; Anthony Philip Reid Howatt, H/G/Widdowson(2004) A history of English language Teaching. Oxford University Press/ ISBN 0-19-442185-6; Шамалов А.Н. Методика преподавания иностранных языков: общий курс // учебное пособие М: АСТ:-:Восток-Запад, 2008. -256 с;

<sup>^4</sup> Гальскова Н.Д. Методика обучения иностранным языкам: уч.пос.Феникс, 2017. - 350 с.; Зарецкая Е.Н. Риторика: Теория и практика речевой коммуникации. - М.: Дело, 2002. - 480 с.; Ощепкова В.В. Язык и культура Великобритании, США, Канады, Австралии, Новой Зеландии. - М.: 2004; Сафонова В.В. Развитие культуры восприятия устной речи при обучении иностранному языку: современные методические проблемы и пути их решения // Иностранные языки в школе. 2011. -№ 5.

институти, Навоий давлат педагогика институтларининг 956 нафар талабалари жалб этилган.

**Тадқиқотнинг предмети:** бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ўқув жараёнида лойиха технологиясидан фойдаланишга ўргатишнинг шакл, метод, воситалари ташкил этади.

Тадкикотнинг (тахлилий-синтетик, усуллари: назарий киёсиймоделлаштириш); таққослаш, аналогия, диагностик (сўровлар, сўровнома, тест ўтказиш, кузатиш), прогностик (эксперт бахолаш, мустакил тажриба-синов умумлаштириш); педагогик бахоларни ва статистика (маълумотларга статистик ишлов бериш, натижаларни график тасвирлаш).

#### Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ўқув жараёнида лойиха технологиясидан фойдаланишга ўргатишнинг назарий, психологик-педагогик жихатлари касбий тайёргарлик босқичлари (мотивацион, когнитив, рефлексив)ни тил кўникмалари бўйича дифференциал ўқув мухитига интеграциялаштириш асосида аниклаштирилган;

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини лойиҳа технологияси асосида инглиз тилини самарали ўргатишга тайёрлашнинг методик тизими мазмуни касбий фаолиятга доир замонавий кўникмалар ( мақсадни қўя олиш, башорат қилиш, қарор қабул қилиш)ни интерпретатив ўқув топшириқлари воситасида интенсив шакллантиришга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатиш модели талабаларда ўкув муҳитини лойиҳалаштириш мотивациясини кучайтириш тамойиллари ва методларини инновацион ўкув муҳити (ахборотли, технологик мослашувчан, мустақил фаолиятга йўналган) талабларига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ўқув жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатишга доир психолингвистик, педагогик, методик тавсиялар асосида хорижий тилни ўрганиш жараёнининг дидактик имконияти кенгайтирилган.

#### Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олий таълим муассасаларида бўлажак инглиз тили ўкитувчиларини ўкув жараёнида лойиха технологиясидан фойдаланишга ўргатишнинг такомиллаштирилган дастури ишлаб чикилган ва олий таълим муассасалари амалиётига жорий килинган;

ўкув жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатиш механизми такомиллаштирилиб, унинг когнитив ва суггестив мазмун-моҳияти педагогик талқин қилинган;

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ўқув жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатишга мўлжалланган "Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ўқув жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатиш методикаси" номли методик қўлланма ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланган назарий маълумотлар ва методлар ишончли манбалардан олингани, келтирилган

тахлил ва мулохазалар, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлар воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани хамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиклангани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация ишида фойдаланилган илмий асосланган маълумотлар, такдим қилинган методлар, технологиялар ҳамда тадқиқот давомида ишлаб чиқилган дастур, модель ва тавсиялардан ўқувметодик қўлланмалар тайёрлашда, педагог кадрларни тайёрлаш жараёни мазмунини такомиллаштиришда фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тегишли ўқув фанлари мазмуни бойитилган, илмий-методик ишланмалар тайёрланган, хорижий тилни ўрганиш жараёнида қўлланиладиган дидактик таъминот амалий-методик ишланмалар ва илғор технологиялар билан бойитилган, талабаларда келгуси педагогик фаолиятда замонавий дарсларни лойиҳалаштириш, инновацион технологиялардан фойдаланиш даражаси ошган, олий таълим муассасаларида инглиз тили ўқитишнинг сифати яхшиланиб, самарадорлиги таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ўқув жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатиш тизимини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тили ўқитувчиларини ўқув бўлажак инглиз жараёнида технологиясидан фойдаланишга ўргатишнинг назарий, психологик-педагогик жихатлари касбий тайёргарлик боскичларини интеграциялаштиришга оид методик тавсияларидан И-ОТ-2017-4-2 ракамли "Методик тизимда компьютер имитацион моделлари асосидаги виртуал ресурсларни яратиш ва имконияти чекланган ёшлар таълимида жорий этиш" номли инновацион лойихада инглиз тилида матнлар ва машқлар тўпламини яратишга қўйилувчи талабларни шакллантиришда фойдаланилган (Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 5 февралдаги 89-03-481-сон маълумотномаси). Натижада бўлажак талабаларнинг хорижий тилни ахборот асосида ташкил этилган мухитда ўргатиш жараёнини технологиялари лойихалаштириш кўникмаларини самарали шакллантиришга шароит яратилган;

бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини лойиҳа технологияси асосида инглиз тилини самарали ўргатишга тайёрлашнинг методик тизими мазмуни касбий фаолиятга доир замонавий кўникмалар эҳтиёжини аниҳлаш, маҳсадни ҳўя олиш, башорат ҳилиш, таҳлилий ва интерпретация ҳилишга оид таҳлифларидан И-2016-4-15 раҳамли "Кутубҳона ресурсларидан мобиль алоҳа асосида тармоҳдан фойдаланишнинг дастурий таъминотини яратиш ва татбиҳ этиш (олий таълим муассасалари мисолида)" номли амалий лойиҳада ҳорижий тилдаги аҳборотлар билан ишлаш жараёнини лойиҳалаштиришга оид топшириҳлар тўпламини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 5 февралдаги 89-03-481-

сон маълумотномаси). Натижада бўлажак инглиз тили ўкитувчиларининг лойиха технологиясидан самарали фойдаланишга оид касбий компетенцияларини тизимли равишда бойитишга эришилган;

бўлажак инглиз ТИЛИ ўқитувчиларини лойиха технологиясидан фойдаланишга ўргатиш модели талабаларда ўкув мухитини лойихалаштириш мотивациясини кучайтириш механизмлари назарий-амалий машғулотлар, мустақил таълим, ижодий лойихалар, машғулотларга қуйиладиган талаблар замонавийлик, педагогик техника, ўкув вазиятини яратишга хамда бўлажак инглиз тили ўкитувчиларини ўкув жараёнида лойиха технологиясидан фойдаланишга ўргатиш тизими ўқитувчи-талаба-натижа танқидий ва ижодий фикрлаш, коммуникатив диалог, ижодий ва акс эттирувчи қобилиятларини аниқлаштиришга оид методик тавсиялари "Маданиятлараро мулокот" номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи). Натижада ОТМ ўқитувчилари ва талабаларининг ўқув жараёнига психологик, ташкилий, методик жихатдан тайёрлик даражаларини объектив бахолаш имконияти яратилган ва "Хорижий тил ва адабиёти" (инглиз тили) йўналиши 3-боскич талабаларининг касбий, этнопсихологик аспектлари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси**. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадкикот натижаларининг эълон килинганлиги. Тадкикот мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этган илмий нашрларда 5 та макола, жумладан, 3 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр килинган ҳамда Инглиз тили машғулотларида лойиҳалаш технологияларидан фойдаланиш номли № DGU 07627 Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги интелектуал мулк агентлиги гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми**. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 136 бетни ташкил этади.

#### ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

кисмида тадкикот мавзусининг долзарблиги, зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг максад вазифалари, тадкикот объекти ва предмети аникланган, тадкикот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий ахамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва хажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби "Инглиз тилини ўқитиш жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланишнинг назарий асослари" деб номланган бўлиб, мазкур бобда таълим технологияларининг ижтимоий педагогик — концептуал зарурияти, хориж тажрибаларида лойиҳа технологиясидан ўқув жараёнида фойдаланиш тажрибалари шунингдек, таълим жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланишнинг мавжуд ҳолати таҳлил этилган.

Тадқиқотлар тахлилига кўра, лойиха технологиясидан таълим жараёнида қўлланилиши натижасида таълим олувчи ва таълим берувчи ўртасидаги махсулдор фаолият амалга ошади. Мазкур фаолият натижасида таълим олувчи ўз фаолиятидан қониқиш хиссини бошидан кечиради. Чунки лойиха устида ишлаш жараёнида таълим олувчи ўз-ўзининг фаолиятини режалаштиришга, ташкил қилишга ўрганади, муваффакиятни хис этади. Тилшунослик атамалари луғатида келтирилишича: Лойиҳа – (лотин тилида: "projekt"- "олдинга ташланган"; "андоза") -инсонларнинг жамоавий, ташкилий, мустакил изланишга ундовчи, муайян мақсадга йўналтирилган фаолият шакли. Лойихалаш – мақсадга йўналтирилган фаолият бўлиб, қуйилган муаммо ечимини топишга қаратилади. Лойиха технологияси шахсга йўналтирилган ташаббускорлик, тизимида тахсил олувчида: мустакиллик, ижодкорлик каби шахсий сифатларни ривожлантиришга мўлжалланган технология. Ушбу технология замирида ўкув лойихаларини бажаришга йўналган таълим максади илмий мужассамлашганлигини кўриш мумкин.

Лойиҳа технологиясининг ўқув жараёнида фойдаланилишининг афзалликлари мутахассислар томонидан самарали технологиялардан бири сифатида баҳоланган. Е.С.Полат ушбу технологиянинг имкониятлари ҳусусида қуйидаги фикрни келтирган: "Биргаликда таълим олиш нафақат осон ва қизиқарли, балки бир мунча самарали" эканлигини таъкидлайди.

Лойиха технологияси маданий-тарихий феномен сифатида бахоланиб, таълим субъектлари ўртасидаги ўкув жараёнини кадрият тизими холатида таҳлил килишга хизмат килади. Илмий адабиётлар таҳлилига кўра, лойиҳа технологияси тафаккур ва фаолиятни ривожлантиришга йўналтирилган тизим бўлиб, лойиҳа технологиялари таҳсил олувчиларнинг шаҳсий кизикишларини инобатга олган ҳолда, таълим жараёнига татбик килиниши ва таълим субъектларининг ўкув жараёнидаги фаолиятини мақсадли йўналтиришга мўлжалланиши лозим. Ўкув жараёнидаги дидактик парадигма реал ҳаётдан олинган вазиятли муаммо бўлиши ва ушбу муаммонинг ечими жамоавий тарзда ёки кичик гуруҳларда фан ютуқларидан фойдаланиб, мустакил топилиши, муайян натижани кўлга киритишга хизмат килиши керак. Бунда муаммо ва унинг ечими яхлит ҳолатда лойиҳалаш фаолиятидан иборат бўлиши зарур. Тадкикот жараёнида бўлажак инглиз тили ўкитувчиларини ўкув жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатиш тизимини

\_

<sup>&</sup>lt;sup>6</sup> Полат Е.С. Метод проектов на уроках английского языка. http://center/fio.ru/do/news.asp.

такомиллаштириш учун тадқиқот доирасида олий таълим малака талаблари тахлил қилинди.

Бизнинг назаримизда замонавий лойихаланган машғулотлар тахсил олувчилар эгаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишлари, мустақил ўрганиб, тахлил қилишларига, шунингдек хулосаларни хам ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилган. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бир қаторда, бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бинобарин, таълим муассасаларининг ўкув-тарбиявий жараёнида лойиха технологиясидан фойдаланишни такомиллаштиришга алохида эътибор берилаётгани долзарблик касб этиб, таълим жараёнига тизимли фаолият ёндашувини кенг жорий этиш имкониятини беради. Лойиха технологиясидан фойдаланиш фаолияти бир неча йўналишда амалга оширилади: дарс машғулотларида ижодий мотивацияни қўллаш, касбий фаолиятга йўналтириш; янгиликни идрок қилишга инновацион тайёргарликни шакллантириш ва янгича харакат қилишга ўргатиш. Талабаларнинг лойиха технологиясидан фойдаланиш фаолиятини ташкил этишда таълим олувчиларнинг билиш фаолияти ва уни бошкариш мухим вазифа бўлиб, улар лойиха технологияси асосида инновацион фаолиятга бўлган заруратни аниклаш, жараённи ижодий ва масъулият билан ташкил этиш хамда эришилган натижани тахлил қилиш орқали касбий фаолиятини бахолайди.

ўқитиш жараёнида Инглиз тилини лойиха технологиясидан фойдаланиш: таълим мақсадлари, унинг мазмуни, методлари, технологияси, ташкил қилиш шакллари, таълим тизимини бошқаришдаги янгиланиш ва ижобий ўзгаришлар; хорижий тилни ўкитиш бўйича таълим максадлари, унинг мазмуни, методлари, технологияси, дарсни ва ўкитиш жараёнини ташкил қилиш шакллари, таълим жараёнини бошқаришдаги ўқув-таълимий жараённи янги мазмунда қайта шакллантириш ҳамда ташкил қилишдаги барча ижобий янгиланишлар; ўкув жараёнини янги мазмундаги замонавий ўкув режалари, ўкув дастурлари, ўкув-методик ишланмалари, дарсликлар, методик кўрсатмалар, ўкув қўлланмалари, барча методик ишланмаларнинг электрон кўринишлари билан таъминлаш; инглиз тилини ўкитиш тизимига миллийлик умумбашарийлик тамойилларининг сингдирилиши; ўкув жараёнида ўкитувчи ва талаба фаолиятини бахолаш ва билимларни назорат килиш, улар муносабатларини якдиллик асосида сифатли таълим бериш ва сифатли таълим олиш натижавийлигига эришиш ва бошқаларга эришиш имконини бериши аниқланди.


Таҳлиллар асосида бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини ўқув жараёнида лойиҳа технологиясидан фойдаланишга ўргатиш учун ижтимоий-педагогик шарт-шароитлар (тил ўқитиш анъаналари ва АКТ базаларидан фойдаланишни жадаллаштириш), психологик-педагогик шарт-шароитлар (машғулотларида тақдим қилинадиган ўқув материалининг психологик-педагогик жиҳатдан тўлиқ ўзлаштиришга мўлжалланган қамровини кенгайтириш), ўқув-методик шарт-шароитлар (давлат хужжатлари талаблари асосида ёзилган ва нашр қилинган дарсликлар, ўқув методик қўлланмалар,

электрон дарсликлар, турли воситалар, ўкув хоналари ва жихозлар, хорижий тил доирасида фанлараро интеграцияси, шунингдек, инновацион жараёнга хар томонлама тайёр бўлган, методик жихатдан куролланган педагогик жамоа фаолиятини такомиллаштириш), ташкилий-педагогик шарт-шароитлар (мунтазам равишда инновацион ғояларни қабул қилиш ва уларга йўл очиб бериш, талаб қилинган дидактик тамойиллар асосида машғулотлар)ни ташкил қилиш лозимлигини инобатга олиш зарурлиги аниқланди.

Диссертациянинг иккинчи боби "Бўлажак инглиз ўкитувчиларини лойиха технологиясидан фойдаланишга ўргатиш методикаси" деб номланган бўлиб, мазкур бобда таълим сифатини оширишда лойиха технологиясининг талаба шахсига йўналтирилганлиги тахлили, бўлажак ўкитувчиларини ўқув жараёнида лойиха инглиз ТИЛИ технологиясидан фойдаланиш модели ва мезонлари ёритилган.

Инглиз тили ўқув машғулотларида лойиха технологиясидан фойдаланишнинг самарали механизмлари сифатида: талабанинг ижодийтадқиқотчилик фаолиятини ташкил этиш, таълим берувчи ва тахсил олувчи орасидаги хамкорлик хамда соғлом рақобат мухити, талабанинг шахсий хамкорликка йўналтирилган фаолияти, талабанинг дидактик таъминот, электрон ахборот ресурслари воситасида таълимий мақсадларга эришганлигини тахлил қилиш мухити ва йўллари кабилар белгиланди.

Ўрганилган назарий маълумотлар ҳамда методик амалиёт таҳлилига асосланган ҳолда лойиҳа технологияси асосида бўлажак инглиз тили ўкитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда фойдаланиш босқичлари ажратиб берилди (1-расм).



1- расм. Лойиха технологияси боскичлари

Лойиҳа технологиясини инглиз тили машғулотларида самарали қўллаш асносида талабаларда интеллектуал ва шахсий сифатларнинг интенсив ривожланиши, тил ўрганиш кўникма ва малакалари ҳамда лингвистик компетенциялар ҳамда инглиз тилини ўқитишда таълим жараёнини инсонпарварлик тамойиллари асосида ташкил этиш, табақалаштириш, ўқув жараёнини фаолиятли ёндашув ҳамда шахсга йўналтирилганлик принциплари асосида ташкил этиш эҳтиёжи қондирилади. Шунингдек, инглиз тили

машғулотларида лойиҳа технологиясидан фойдаланилганда талабаларнинг матн билан мустақил ишлаши ташкил этилади. Натижада метакогнитив тажриба тўпланади, шахснинг бошқариладиган мустақил фаолияти шаклланади. Пировардида ўқув материалининг бир неча марта такрорланиши орқали талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари ошади.

Талабалар учун лойиха технологиясидан фойдаланиш босқичлари ажратиб берилди: танишиш (муаммо, мавзу ва ким билан ҳамкорлик қилиш), тадқиқот (жараён: деворий газета, мақола, адабиётлар рўйхатини тузиш, луғат, бизнес режа тузиш, интервью, челенж, таржима (мақол, достон, эртак), байрам сценарийлари, видеороликлар...)), тақдимот, якуний натижани баҳолаш.

Лойиҳани амалга оширишда ишни ташкил этишнинг турли вариантлари татбиқ этилди хусусан, кичик гуруҳларга бўлиш ва мавзулар ҳамда ишларни тақсимлаш, матн билан индивидуал ишлаш, кичик гуруҳлар шаклида ишлаш, маълумот алмашинуви, натижаларининг тақдимоти ҳамда умумий натижани чиқариш, натижаларни ўзаро баҳолаш ва лойиҳани якунлаш.


Ўқитувчилар учун лойиҳа технологиясидан фойдаланиш жараёни мавзулар компонентига мос равишда муаммоли вазиятни танлаш ва таркибий қисмларни белгилаш, ўқитиш даражасини белгилаш ва ҳар бир ролли компонент вазифасини аниҳлаб бериш, маълумот билан ишлашнинг маълум босҳичи учун ваҳт регламентини белгилаб олиш, натижа муддати, шаҳли ва уни расмийлаштиришни, кўникма ва малаҳаларнинг шаҳлланганлиҳ даражасига мос шаҳлда баҳолаш мезонларини аниҳлаб олиш босҳичларида олиб борилади.

Бўлажак педагогларни тайёрлашда лойиха технологиясидан муаммонинг қўйилиши фойдаланишда дастлабки мухим Иккинчидан муаммо тахлили ва зарур ахборотлар хакида маълумотлар бериш; ўкитувчи ёки талабалардан экспертларни белгилаш; лойиха давомида учраши мумкин бўлган тўсикларни ва уларни бартараф этиш имкониятларини аниклаш; хар бир талаба ўз шахсий тушунчаси доирасида муаммоларни шакллантиришига эришиши; шакллантирилган муаммолардан қулай вариантини танлаш; ҳамкорликда ишлашга эҳтиёжларни олдиндан аниқлаш ва ўз-ўзини бу жараёнга тайёрлаш; қўйилган муаммо таркибидаги талабларга асосланган холда ёндашувлар ёки тайёр ечимлар (тезкор ғоялар)ни баён қилиш кабилар.

Лойиҳа технологиясидан фойдаланиш жараёнида ўқитиш, ўргатиш, дарс бериш методларининг боғланишлари ва уларнинг қўйилган мақсадни амалга ошириш имкониятлари юқори бўлиб, улар ўзида бир нечта фаол методни бириктиради ҳамда дарс бериш жараёнида босқичма-босқич мақсадни амалга оширишга хизмат қилади.


Ўқитувчи, талаба, жараён ва ундан кутиладиган натижаларнинг методик йўналган модели жорий этилди. Ушбу жараёнда SMART технологиялари асосида талабаларда вақтни назорат қилиш, прогностик, дидактик, мониторинг қилиш ва натижалар асосида янги лойихаларни яратиш кўникмаларини шакллантириш вазифаси тажриба-синов ишларининг асосий концепциясини ташкил этди. Инглиз тилини ўқитиш жараёнида талабаларни

лойиха технологиясидан фойдаланишга ўргатишнинг методик тизимини амалиётга самарали жорий этиш модели 2-расмда келтирилган.



2-расм. Инглиз тили дарсларида лойиха технологиясидан фойдаланиш методик тизими

Тадқиқотлар жараёнида инглиз тилини ўқитишда лойиха технологияси қуйидаги алгоритмлардан иборат бўлиши аникланди (3-расм).



### 3-расм. Инглиз тилини ўкитишда лойиха технологиясидан фойдаланиш алгоритми

Мазкур технология ва методлардан фойдаланишда ўқитувчининг куйидаги билим, кўникма, малака ва компетенцияларга эга бўлишида лойиха технологияси бўйича тўлик ва хар томонлама мукаммал ахборотлар, назарий ва амалий билимларга эгалиги; лойиха технологиясидан фойдаланиш тамойилларини англаши; ахборот коммуникацион ва бошка воситалар ва улардан фойдаланиш кўникма ва малакаларини эгаллаганлиги; инновацион методлар ва уларнинг тавсифлари бўйича тўлик, англанган билимларни ўзлаштирганлиги; лойиха технологиясининг таркибий кисмлари, улардан фойдаланиш усул, метод, восита ва боскичларини билиши мухим омил сифатида белгиланди.

Тадқиқот доирасида бўлажак инглиз тили ўкитувчиларини ўкув жараёнида лойиха технологиясидан фойдаланишга ўргатишда қуйидаги дидактик тамойилларга таянилди: илмийлик, инсонпарварлик, оддийдан мураккабликка интилиш, назария билан амалиёт бирлиги, онглилик ва тушунарлилик, кетма-кетлик ва изчиллик. Шундай қилиб, бўлажак инглиз тили ўкитувчиларини ўкув жараёнида лойиха технологиясидан фойдаланишга ўргатишда таълим тамойиллари асосан, тизимлилик, илмийлик, онглилик, кўрсатмалилик, индивидуал ёндашиш, мустахкамлиликдан иборат бўлиб, инглиз тилини ўкитишда лойиха технологияси талабаларда онг, тафаккур ва мантик хамда фаолиятнинг уйғун такомиллашуви, ривожланишини таъминлайди.

Бўлажак инглиз тили ўкитувчилари лойиха технологиясининг касбий фаолиятда қўлланилиши лозим бўлган етакчи ёндашувлардан эканлигини хис этишларига эришилди. Бу натижанинг мухим омили бу, олий таълим ва тизимли қўлланилиши жараёнида ушбу технологиянинг мақсадли талабалар технологияни ўзлаштирдилар, хисобланди. Яъни бевосита ўзларидан ўтказган холда унинг элементларини босқичма-босқич англаш имкониятига эга бўлдилар. Ушбу вазият олий таълимнинг педагогик жараёнида ўкитувчи-талаба-натижа(касбий компетенциялар) муносабатининг ўзаро ишонч, ўзаро хамкорлик, ўзаро ёрдам, соғлом ишчи мухит ва рақобатга асосланиши билан тавсифланди. Чунки талабалар учун ўкитувчиларнинг педагогик махорати, қўллаган стратегия ва тактикаларини тахлил қилиш, ўзлаштириш ва лойиха технологиясига оид ўзида юзага келган бўшликларни якка ва хамкорликда тўлдириш чораларини кўриш имкониятлари яратилди.

Диссертациянинг "Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларини лойиха технологиясидан фойдаланишга ўргатиш бўйича методик иш тизимининг самарадорлиги" деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш билан бирга уларнинг натижалари ёритилиб, бўлажак ўкитувчилар, ОТМ инглиз тили ўкитувчиларини ўкув жараёнида лойиха технологиясидан фойдаланишга ўргатишнинг назарий ва амалий жихатлари тажриба-синов ишлари натижасида такомиллаштирилган ва тажриба-синов асосида апробациядан ўтказилган.

Тажриба-синов жараёнида дидактик шакллар: дарс, вебинар, веб квест, дарсдан ташқари ишлар, турли викториналар, Брейн-Ринг, интерфаол методлар: "Брейншторминг", "Бешинчиси ортиқча", "Виртуал кўргазмалар", "Зиг-заг", "Эйлер диаграммалари"; дидактик воситалар: лингафон, аудиовизуал, мультимедиа ва бошқа ахборот-ресурсларидан фойдаланилди.

Тажриба-синов жараёнига жами 1056 нафар респондент жалб килинган бўлиб, шулардан 956 нафари бўлажак инглиз тили ўкитувчилари, 100 нафари тажриба олиб борувчи ОТМ инглиз тили профессор-ўкитувчилари ташкил этди.

Педагогик-тажриба синов ишларининг асосий мақсади ОТМнинг чет тиллари факультетларидаги инглиз тили йўналишида лойиха технологиясини инглиз тилини ўкитиш жараёнига татбик килиш асосида тахсил олаётган талабаларнинг тилга ва касбга оид компетенцияларини ривожлантиришнинг самарали педагогик-психологик шарт-шароитларини аниклаш ва амалда синовдан ўтказишдан иборат этиб белгиланди. Тажриба-синов жараёнида назарий-мантикий тахлил, таккослаш, анкеталаштириш; сухбат, тест намуналари, илгор инновацион педагогик тажрибаларни умумлаштириш, кузатиш; анкета-сўров, математик-статистик методлардан фойдаланилди.

Тажриба-синов ишлари уч босқичдан: аниқловчи (2016-2017 йй.), шакллантирувчи (2017-2018 йй.), якунловчи босқичлар (2018-2019 йй.) дан иборат бўлиб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти, Навоий давлат педагогика институтларини қамраб олган холда ўтказилди.

Тадқиқот жараёнида унинг мақсадига MOC келувчи, қўйилган муаммонинг ечимини топиш ва юзага чиқарувчи, белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишни таъминловчи шарт-шароитлар яратилди; тажрибасиновдан ўтказилаётган ташкилий шакл, таълим методи, технологияси ва воситаларининг самарадорлик кўрсаткичлари тизимли равишда аниклаб борилди, талабаларнинг келгусидаги педагогик фаолиятида зарур бўладиган дидактик махсулотлари конверти (Learning Educational Activities Packet – (Case-study), Веб-квест LEAP), Кейс-технология (WebQuest) технологиялар асосида дарсларни лойиха технологиясидан фойдаланиш кўникма ва малакалари такомиллаштирилди.

1-жадвал Ўкув жараёнида лойиха технологиясидан фойдаланишга ўргатиш асосида касбий компетенцияларнинг шаклланганлиги ва самарадорлик даражасини аниклаш юзасидан ўтказилган тажриба-синов натижалари

Маълумотларни излаш, танлаш           Тажриба гурухи         481         190         131         119         41           Назорат гурухи         475         122         125         117         111           Талабанинг якка муаллифликдаги лойиха концепцияси ва режасини тузиш кўникмаси         37           Назорат гурухи         481         188         133         123         37           Назорат гурухи         475         124         123         118         110           Вактни назоратга олиш кўникмаси           Тажриба гурухи         481         192         130         121         38           Назорат гурухи         475         120         124         116         115           Лойиха мазмунида янги стратегия, ёндашувларнинг сингдирилганлиги         Тажриба гурухи         481         194         127         120         40           Назорат гурухи         475         123         120         124         108           Такдимот килиш кўникмасининг шаклланганлиги           Тажриба гурухи         481         193         129         120         39           Назорат гурухи         475         125         121         119         110           Жам	даражасини ани	· ·	J I I I I I I I I I I I I I I I I I I I						
Маълумотларни излаш, танлаш         Коникарли         Коникарсиз           Тажриба гурухи         481         190         131         119         41           Назорат гурухи         475         122         125         117         111           Талабанинг якка муаллифликдаги лойиха концепцияси ва режасини тузиш кўникмаси         Тажриба гурухи         481         188         133         123         37           Назорат гурухи         475         124         123         118         110           Вактни назоратга олиш кўникмаси           Тажриба гурухи         481         192         130         121         38           Назорат гурухи         475         120         124         116         115           Лойиха мазмунида янги стратегия, ёндашувларнинг сингдирилганлиги         Тажриба гурухи         481         194         127         120         40           Назорат гурухи         475         123         120         124         108           Такдимот килиш кўникмасининг шаклланганлиги         Такдимот килиш кўникмасининг шаклланганлиги         Тажриба гурухи         475         125         121         119         110           Янги гояларга мавзу ва режа туза олиш кўникмасининг шаклланганлиги         Тажриба гурухи         481	Гурухлар	1 1/1/ 1/1/ 1/1/ 1							
Тажриба гурухи 481 190 131 119 41  Назорат гурухи 475 122 125 117 111  Талабанинг якка муаллифликдаги лойиха концепцияси ва режасини тузиш куникмаси Тажриба гурухи 481 188 133 123 37  Назорат гурухи 475 124 123 118 110  Вактни назоратта олиш куникмаси Тажриба гурухи 481 192 130 121 38  Назорат гурухи 475 120 124 116 115  Лойиха мазмунида янги стратегия, ёндашувларнинг сингдирилганлиги Тажриба гурухи 481 194 127 120 40  Назорат гурухи 475 123 120 124 108  Такдимот килиш куникмасининг шаклланганлиги Тажриба гурухи 481 193 129 120 39  Назорат гурухи 475 125 121 119 110  Янги гояларга мавзу ва режа туза олиш куникмасининг шаклланганлиги Тажриба гурухи 481 195 130 117 39  Назорат гурухи 481 195 130 117 39  Назорат гурухи 475 124 125 120 106  Жами: 5736 1890 1518 1434 894  Тажриба гурухи 2886 1152 780 720 234  Назорат гурухи 2886 1152 780 720 234	Турулынр	сони,нафар	Аъло	Яхши	Қониқарли	Қониқарсиз			
Назорат гурухи         475         122         125         117         111           Талабанинг якка муаллифликдаги лойиха концепцияси ва режасини тузиш куникмаси           Тажриба гурухи         481         188         133         123         37           Назорат гурухи         475         124         123         118         110           Вактни назоратга олиш куникмаси           Тажриба гурухи         481         192         130         121         38           Назорат гурухи         475         120         124         116         115           Лойиха мазмунида янги стратегия, ёндашувларнинг сингдирилганлиги           Тажриба гурухи         481         194         127         120         40           Назорат гурухи         475         123         120         124         108           Такдимот килиш куникмасининг шаклланганлиги           Тажриба гурухи         481         193         129         120         39           Назорат гурухи         475         125         121         119         110           Янги голарга мавзу ва режа туза олиш куникмасининг шаклланганлиги         Тажриба гурухи         475         124         125         120         106      <	Маълумотларни излаш, танлаш								
